



## МИЛЛАТ ШАВКАТИ



I

Самарқанднинг ўтмиши нихоятда қадимий. Аммо бу кентни ўз салтанатига марказ қилган, унинг улугвор ва шарафли тарихида ўчмас из қолдирган, шаҳарнинг салобатига салобат қўшган ҳукмдорлар кўп эмас. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Ялангтўш Баҳодир... Бу номлар бизгача бўлган минг йилликни тавсил этади, холос. Ҳолбуки, шаҳарнинг таваллуди ундан бир неча ўн асрлар нарига бориб тақалади.

Бундан тақрибан уч минг йиллар олдин ҳам бу ерда маданият ва санъат, илму маърифат гуллаб яшнаган, ўз чиройи ва лаюфатли билан инсоният тафаккурига нур бериб турган. Хусусан, милотдан аввалги IV асрда Самарқандни эгаллаган Искандар Мақдунли (Александр Македонский)нинг "...У мен эшитганимдан ҳам гўзалроқ экан" деган иқрори тарихий манбалардан яхши маълум. Ўз даврида дунёнинг маданий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий таянчларидан бири бўлган

Самарқанд нафақат "ер юзининг сайқали", балки замонлар оша дунё тартибини белгиловчи кўдрат (держава) пойтахти ҳам бўлган.

Бироқ бу муаззам кентнинг ҳаёти доим ҳам равон кечмаган. Соҳибқирон Амир Темур, сўнг унинг набираси Мирзо Улуғбек даври, яна икки аср ўтиб, XVII асрнинг биринчи ярмида (ўша вақтда Самарқанд Аштархонийлар сулоласи ҳукмрон бўлган Бухоро хонлиги тасарруфида бўлган) ҳоким Ялангтўш Баҳодир замонларида гуллаб-яшнаган мезгилдан маълум. Аммо муаррихлар ундан кейинги паллалар ҳақида кўп сўзламайдилар. Бунинг сабаби оддий: чунки ундан сўнг шаҳарнинг ўтмишида таназзул даври кечган... Кўп узоққа бориш шарт эмас. XIX-XX асрлардаги аввал Чор Россияси, кейин большевиклар босқинида у катта талафотлар кўрганини барчамиз яхши биламиз. "Тенглар ичра тенг" бўлган ёки истиқлол тонги отган илк йиллар ҳам кўҳна кент тарихида тасвирчан аҳамият касб этмади.

Совет ҳокимиятининг Самарқанддан кўзлаган мақсади анча устакорлик билан ўйлаб топилганди: мустабид идеология шаҳар

### Буюк ўзбек йўли

харобалари ва ўтмишини кўз-кўз қилиш орқали даҳрий ва репрессив империяни ислом ва шарқ маданияти ҳомийси сифатида тақдим этиш, ундан умумтарих ва қадриятлар витринаси — мультикультурализм, яъни советча тенглик ҳамда бағрикенгликни кўрсатиш учун фойдаланарди. Мустақилликдан кейин бу қадимий кентга бўлган эътибор бошқа томонга оғди. Энди унга кўпроқ ўзликни топиш, руҳиятдаги постсталинлар ҳолатни деформациялаш учун қўлланиладиган восита ўлароқ ёндашила бошланди. Тўғри, айни янгиликларни шунчаки формал ўзгартирил эди, дейиш адолатдан бўлмайди. Чунки обидалар, қадимжолар, меъморий ёдгорликларни тиклаш ва обод қилиш борасида катта ишлар амалга оширилди. Аммо бу ҳаракатлар шаҳарнинг қадимий шухратини

тиклаш ва энг муҳими, унинг асрий руҳиятини қайта уйғотишдек қудратни намоеън эта олмади.

Нега? Чунки истак ва ҳаракат қанчалик самимий ва кўламли бўлмасин, уларда шаҳарнинг тарихий хотираси ва моҳиятини тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган ички мазмун ва уйғунлик етишмади. Жўнгина айтганда, шонли ўтмиши, маънавий идентлиги унга "тарих иконаси" сифатида қарашдек узоқ йиллар онгимизда шаклланган гламур тасаввурлар соясида қолди.

Аслида, Самарқандни тушуниш, жуғрофий аҳамиятини аниқлаб олиш ўта муҳим эди. Нимага десангиз, бу кўҳна замин фақат мозий осори атиқаларига эмас, балки унинг бағрида минг йиллардан буён яшаб келаётган халқ учун ҳам ватан саналарди. Буни

тўғри англаш учун бизга хийла узоқ вақт керак бўлди.

Айни масалада фикр юритишни бир нафас кечктириб, диққатимизни бугунги кунларга қайтарсак.

Ўтаётган ўн йиллик Самарқанд ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Мен бугунги мақолада айни ўзгаришларни муфассал шарҳлаш фикридан йироқман. Зотан, шаҳарнинг ҳозирги қиёфаси, у ерда олиб борилган бунёдкорликлар ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. Бир пайтлар Соҳибқироннинг қудратли салтанатига бошкент бўлган, оламни ўзига маҳлиё айлаган, хорижий сайёҳлар ва сиёсатчилар қадами узилмаган шаҳар бугун асл шавкатини тиклаётганини барчамиз сезиб турибмиз. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, узоқ танаффусдан сўнг у яна дунё сиёсатчилари, иқтисодчилари йиғилиб маслаҳатлашадиган халқаро дипломатия саҳнасига айланди. Келаётган хорижий меҳмонлар, ҳатто, сайёҳлар оғзидан ҳам бир эътирофни кўп эшитиш мумкин бугун: "Самарқандга эртақлардаги, тарих китобларидаги жозибаси қайтибди!".

Энди айтнинг, одамлардаги таассуротни янгилаш, замонлар юки монолитдай қуйиб қўйган стереотипларни парчалаш ўз-ўзидан бўлади деб ўйлайсизми?! Иддаомиз бекорга эмас. Зотан, шаҳарнинг кўрку таровати фақат беш-ўнта меъморий ёдгорлик билан ўлчанмайди. Қолаверса, "ўтмиш руҳи" тасавури чечан гилдарнинг мароқли ҳикоялари орқали тўлиқ шаклланади деб қараш ҳам унчалик тўғри эмас.

Қадим тароватини уйғотиш фақат бир амал — кўҳна деворлар, тупроқлар қазирида кўмилиб ётган маданий оҳангларгагина тан. Уларни ҳаракатга келтириш учун эса тарихий-руҳий ҳаёт қатламини қайта кўриб чиқиш талаб этиларди. Яъни нафақат шаҳар, балки бутун ён-атрофдаги маданий ҳаётни тубдан ўзгартириш, илмий тилда айтганда, жамият ҳаётини десоветизация — мустамлақачиликнинг барча меросларидан тозалашни назарда tutарди. Ўз-ўзидан равшанки, бу катта масштабдаги юмуш эди. Шу маънода айтадиган бўлсак, Самарқанднинг қайта "оёққа туриши" осон кечди деган одам адашди.

► Давоми 2, 3-бетларда

### Бунёдкорлик лойиҳалари тақдимот қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев турли соҳалардаги бунёдкорлик лойиҳалари тақдимоги билан танишди.

Давлатимиз раҳбарига Андижон вилояти Бобур шаҳрида барпо этиладиган меъморий ансамбль таркибига буюк давлат арбоби, саркарда ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишланган мухташам ҳайкал ўрнатиш лойиҳаси тақдимот қилинди.

Буюк аждодимиз хотирасини муносиб улуғлаш, унинг бой илмий-адабий мероси, давлатчилик тафаккури ва жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссасини ёш авлодга чуқур етказиш мақсадида ушбу ёдгорликни алоҳида мазмун ва бадиий ёним асосида яратишга муҳим эътибор берилмоқда.

Президентимизга бўлажак ҳайкалнинг эскизлари, композицион ечими ва Бобур сиймосини акс эттириш бўйича илмий-бадиий ёндашувлар ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, буюк тарихий шахс образи юртимиз олимлари томонидан хорижий ҳамкасблар билан ҳамкорликда олиб борилган тадқиқотлар, кўплаб тарихий манбалар, қўлёзмалар, миниатюралар ва маданий мерос намуналарини чуқур ўрганиш асосида яратилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг Покистонга давлат ташрифи доирасида

Исломобод шаҳридаги боғлардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталган эди. Мазкур боғда ҳам буюк аждодимизга ўрнатиладиган ҳайкал лойиҳаси кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари ёдгорликларни яратишда Заҳириддин Муҳаммад Бобур сиймосини нафақат буюк адиб ва шоир, балки моҳир саркарда, қудратли давлат асосчиси ва донишманд ҳукмдор сифатида теран очиб бериш зарурлигини таъкидлади. Унинг иродаси, давлатчилик салоҳияти, юксак маънавияти ва бунёдкорлик гоълари ҳайкалнинг умумий қиёфасида яққол ифода топиши лозимлиги қайд этилди.

Президентимизга Абу Райҳон Беруний номидаги халқаро мактаб-интернати моддий-техник базасини такомиллаштириш, Бухоро шаҳрида туризм ва транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, туманлардаги маданият уйлариини модернизация қилиш юзасидан ишлаб чиқилаётган лойиҳалар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни янада такомиллаштириб, илгор тажриба асосида пухта ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берди.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ МУБОРАК ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда жамиятимиз ҳаётида "Инсон қадрини учун, инсон бахти учун", деган эзгу гоани чуқур қарор топтиришда барча миллий ва диний қадриятларимиз қатори инсонпарварлик, саховат, шукроналик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларни ўзида мужассам этган муборак Қурбон ҳайити ҳам гоат муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқас, мамлакатимизда ижтимоий давлат барпо этиш, юртдошларимиз ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёрдамга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш, ҳеч кимни меҳр ва эътибордан четда қолдирмаслик борасида бу байрамнинг безавол аънаълари биз учун куч-ғайрат ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Қурбон ҳайитини ана шу жараёнларга мос ҳолда муносиб нишонлаш, юртимизда тинчлик-осойишталик, дўстлик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида қарор қиламан:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2026 йилда муборак Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 27 май — чоршанба кунига тўғри келиши ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилиниб, мамлакатимизда 27 май Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Меҳнат кодексининг 208-моддасига мувофиқ, Қурбон ҳайитининг биринчи кунини ишланмайдиган байрам кунини сифатида белгилансин;

б) Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2025 йил 24 декабрдаги "2026 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-257-сон Фармони билан қуйидагилар қўшимча дам олиш кунини сифатида белгилансин:

(i) иш ҳафтасининг туридан қатъий назар барча ходимлар учун 2026 йилнинг 28 май — пайшанба, 29 май — жума кунлари;

(ii) олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 30 май — шанба кунини.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Дин ишлари бўйича қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси,

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Қурбон ҳайитини халқимизнинг миллий аънава ва урф-одатларига уйғун ҳолда, кўтаринки қайфиятда ўтказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Туризм қўмитаси Транспорт вазирилик билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўъттабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадимжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шартно ишкониётлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.У.Умурзаков зиммасига юклянсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2026 йил 20 май

**И**нвестиция оқими дарвозаси очилди

Ўзбекистон Миллий инвестиция жамғармасининг 2 миллиард 400 миллион долларлик давлат активлари ҳар куни йирик битимлар тузиладиган Лондон фонд биржасидаги энг салмоқли акцияга айланди. Ушбу воқеа 2021 йилдан буён биржа тарихидаги энг йирик давлат активдир. Бу нафақат Ўзбекистоннинг илк халқаро IPOси, балки юқори ўсиш суръатига эга иқтисодиётга кўпроқ глобал инвестициялар оқимини жалб қилиш учун дарвозаларнинг очилиши ҳам.

► Давоми 4-бетда









